



Христиан гарб тарихини “Катлиомлар ва геноцидлар тарихи” деб атасак ҳам бўлади. Бу катлиомлар шунчалик кўпки, жилд-жилд китобларга сигмайди. Европаликлар 1492 йили Америка китъасига кадам босди. Испаниялик ва америкаликлар 22 йил ичида “Аравак” туб аҳолисига қарши олиб борган катлиоми натижасида (1514) уларнинг сони 8 миллиондан 28 мингга тушди.

Норвегияликлар 1920-1930 йиллар орасида Норвегияга бошпана излаб борган “Татар”ларнинг кизларини мажбуран бепушт қилдилар. Ахта қилинмаганларга эса инсулин ва электрошок татбиқ этишди. Бу ишни скандинав иркини химоялаш учун зулм билан амалга оширдилар. Инглизлар австралиялик маҳаллий аҳолини эпидемик хасталиклар ва овқатларига захар қўшиш билан қатл этишди. 750 минг қора танли аборигендан фақатгина 31 минг нафари омон қолди.

Олмонлар Ғарбий Африкада Намибияда олтин ва зумрад қонларини қўлга киритиш учун Героро ва Намалар деб аталадиган маҳаллий аҳолини қатл этди. 132 минлик маҳаллий аҳолидан 15 минги омон қолди. Олмонлар 1933-45 йиллар орасида Ромен (лўли) деб аталадиган халқнинг 94 фоизини бепушт қилди, 1 миллионга яқин яҳудий қатл этилди, иккинчи жаҳон урушида турли халқлардан ёки этник гуруҳлардан 21 миллион инсоннинг

ўлимига сабаб бўлишди.

Америкаликлар ва инглизлар урушда Германия маглубиятга учрагандан кейин Дрезден шахрига жон саклаб борган немис эмигрантларининг устига хаводан бомба ёғдирди. Ўч олиш максадида 3900 тонна бомба, 200 минг напалм бомбаси билан 200 минг немис катл этилди. Америка Япониянинг Хиросима ва Нагасаки шаҳарларига ташлаган атом бомбаси оркали 135 минг одамни катл этди. Совет армиясидан кочган 250 минг немис (учдан бири ёш болалар) Даниядан панох топди. Концлагерларда бу 250 минг немис касддан тиф, ичтерлама, ичак харорати кўтарилиши ва ичбуруг хасталиклари юктирилиб, ўлдириб юборилди.

Кипрда юнонлар 1912-1974 йиллар орасида туркларга карши геноцид олиб боришди. Кипрнинг 35 та бошка-бошка нукталарида туркларга оид иш жойлари, масжидлар ва уйларга ўт кўйилди. 1952 йили ЭОКА деб аталадиган террор ташкилоти курилди. ЭОКА 30 нафар турк дехконини тириклай ёқди. 1963 йилдан кейин яна 130 нафар турк миллатига мансуб тинч аҳоли ўтда куйдириб ўлдирилди. 25 минг турк уйларини ташлаб кетди. Минглаб турклар катл этилди.

Туркия учун зарар ва гарб учун галаба бўлган Лозан келишувидан кейин юнонлар этник ва маданий геноцидни амалга оширди. Туркларнинг полизлари “Харбий минтака” никоби остида ишгол этилди. Кишлоklar орасидаги бориш-келиш факат рухсат билан амалга оширилди. Полиз ва бино сотиб олиш, уни таъмирлаш такикланди. Ибодатларига рухсат берилмади. Сиёсий, маданий ва диний ҳукукларининг такикланиши ва босимлар оркали 400 минг турк Гарбий Фракиядан кўчиб кетди. 1970-1989 йиллар орасида болгарлар 2 миллион турк, помак ва роменларни ўзларига мажбурий ассимиляция килиб олишди. 310 минг туркнинг исмлари мажбуран болгар ва христиан исмларига ўзгартирилди. 360 минг турк бош олиб кетди. Туркларнинг турли инсон ҳақ-ҳукуклари ва диний ибодатларини бажариши таъкикланди.

Туркия архивларига кўра, арманлар Россия ва бошка ишголчи кучлар билан бирга 520 минг аёл, ёш бола ва қарияларни шахид қилган. Бутун бу катлоимлар ва шахидларнинг сони ҳужжатларда сакланиб турибди. АКШнинг Ирокни ишгол қилишда 2 миллион аҳолиси ўлдирилди, яна 2 миллион киши у ердан кўчиб кетди. Россия 1944 йили чечен, месхетиялик турклар, ингуш, корачой, балкар ва крим туркларидан миллионлаб туркни Сибир ва Козогистонга сургун қилди. 500 минг турк йўлда ҳалок бўлди. Чеченистонда 1994-2001 йиллар орасида бўлиб ўтган урушда 200 минг аёл, қария ва ёш бола катл этилди. 200 минг киши сургун қилинди. Чор Россияси ва комуннистлар режимида катл этилган туркистонликлар сони миллионлардан ошди.

Франция Жазоирда 1945-1962 йиллар орасида 2 миллион мусулмонни шахид этди. Исроил бу катлиомда Францияга шерик бўлди. Серблар Боснияда 250 минг боснияликни шахид қилди. Болкон, Кавказ, Хиндистон, ҳатто гарбий Европада католикларнинг протестантларга катлиомлари, Африка, Осиё, Шимолий ва Жанубий Америкадаги гарб катлиомларини бошка бир маколада баён қиламиз.

Россия Сталин даврида (1934-39): 13 миллион сургун ва 1 миллиондан ошик ўлик.

Адолф Гитлер (1939-45): 12 миллион сургун ва 2 миллиондан ошик ўлик.

Мао Цзедун Хитойда (1966-99): 11 миллион ассимиляция ва 1 миллион ўлик.

Америкада Испания (1492-1800): 7 миллион 972 минг ўлик.

Японияда Тодзио (1941-44): 5 миллион ўлик.

Камбоджида Пол Пот (1975-79): 1 миллион 700 минг ўлик.

Шимолий Кореяда Ким Ир Сен (1948-94): 1 миллион 600 минг сургун, 1 миллион ўлик.

Эфиопияда Менгисту (1976-78): 1 миллион 500 минг ўлик.

Нигерияда Якубу Говон (1967-70): 1 миллион ўлик.

Афғонистонда Леонид Брежнев (1979-82): 900 минг шахид...

Эслатма: Бу ракамлар БМТ архивларидан олинди.